

БУЛАЖАК ХАМШИРАЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭМПЕРИК АСОСЛАРИ

Одинаев Толибжон Тойирович
Осциё Халқаро университети магистранти
Тел раками: 97 281-89-19
E-mail: t.toyirovich.mail@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада булажак тиббиёт хамшираларининг фаолияти хамда унинг шахсий ва касбий маҳоратга бўлган дунёқараашлари, ўзининг биологик, руҳий, ижтимоий ва бошқа бир қатор талаблари билан бемор шахсияти хаёти ва хуқуқларига хурмат билан қараашлари ёритилган.

Калит сүзлар: хамширалиқ фалсафаси, хаширалиқ жараён, касбий маҳорат, эмотионаллик, ижтимоий мослашувчалик, тиббий этика.

Хамширалиқ иши фалсафаси жаҳонга тиббиёт хамшираси нұқтаи назаридан ёндошиладиган ғоялар тизимиdir . У хамширининг фаолияти хамда унинг шахсий ва касбий маҳоратга бўлган дунёқараашларини акс эттиради. Албатта, ушбу фалсафа негизида ўзининг биологик , руҳий , социал ва бошқа қатор талаблари билан бемор шахсияти ётади. Унинг асосий тамойили бемор хаёти ва хуқуқларига хурмат билан қарашдир. Ҳамшира хар қандай мураккаб характердаги шахс билан ўзаро мулоқотда бўлиши хамда унга тиббий хизмат кўрсатишга тайёр туриши лозим. Бу унинг касбий маҳорати кўрсаткичларидан бири хисобланади. У хар бир беморнинг ўтмиши , бугунги куни ва эртанги кунига , хаётий қадрятлари , одатлари, дунёқараashi ва диний эътиқодига нисбатан хурмат билан қарааш мухитини яратади.

Тиббиёт хамширасининг бемор билан ўзаро муносабатларининг асосий таркибий қисмларидан бири - унинг ахлоқий кодексидир. У тиббиёт хамшираси фаолиятини баҳолайди ва хулқнинг асосий тамойилларини ёритади , яни касбининг мақсади, мажбуриятлари ва қадрятларини акс эттиради. Ҳамшира мазкур чегара доирасида ахлоқий меъёрларга мос келувчи қарорларни қабул қилиши ва жамият, хамкаслари хамда ўз касби бўйича юклатилган мажбуриятларни бажариши лозим.

Хар қандай касб каби тиббиёт хамшираси иши фалсафаси хам доимо нисбатан бўлган фикри муентазам ўзгариб тургани сабабли, тиббиёт хамшираси касби тўғрисидаги фикрлар хам ўзгариб туради. Ҳамширалиқ иши фалсафаси нафақат турли худудлар, миллий гурухлар, балки даволаш профилактика ва тиббий – ўқув масканларида хам бир – биридан фарқ қилиши мумкин.

Ҳамширалиқ иши фалсафасида 4 та асосий тушунча мавжуд :

1. Ҳамширалиқ иши – санъат ва фан.
2. Беморга шахс сифатида қарааш
3. Атроф- мухит

4. Саломатлик

Санъат инсоннинг руҳий дунёсига катта таъсир кўрсатади . Унинг инсон умумий холати, қайфияти ва саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши қадимдан мальум . Ўз вақтида Ф. Найтингейл таъкидлаганидек ҳамширалик иши – парваришлашга асосланган энг қадимги санъатлардан бири ва бир вақтнинг ўзида энг навқирон фандир.

Ҳамширалик иши фан сифатида нафақат тиббий, балки руҳий, ижтимоий , маданий , тарихий, хуқуқий ва тарбиявий билимларга суюнади. Касбий фаолияти жараёнида уларда мальум концептуал йўналиш юзага келиб, унинг асосида ҳамширалик ишининг кенг қамровли хусусиятлари туғилади. Ушбу хусусиятлар ҳамширалик иши назарий қисмини яратишда мустахкам асос бўлиб хизмат қиласди.

“Шахс” тушунчаси ҳамширалик иши фалсафасида алохида ўрин эгаллайди . Фалсафада шахс муаммоси , аввало инсоннинг жамиятда эгаллаган ўрнини аниқлашдан иборат. Инсон – яхлит, харакатда бўлган, ўз – ўзини бошқарувчи биологик тизим , яни физиологик, руҳий ижтимоий ва маънавий эҳтиёжлар мажмуи бўлиб, уларни қониқтириш, ўсиш, ривожланиш, атроф мухит билан ўзаъро боғланишга олиб келади. Биологик, руҳий, ижтимоий ва маънавий омиллар биргалиқда инсонни яхлитликка намоён қиласди. Улар барча инсонларга хос бўлса хам , лекин алохида олинган хар бир бемор ўтмиши, бугунги куни, хаёт қадрятлари, урф – одатлари ва қарорларига хурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

Маълумки, атроф – мухит инсон ва унинг фаолиятига доимо таъсир кўрсатиб келган. Ўз вақтида Гиппократ инсоннинг жисмоний ва маънавий хусусиятлари шаклланишида атроф – мухит таъсири мухим ахамиятга эга эканини алохида таъкидлаб ўтган. У ушбу омилларни (иқлим, об – хаво, шамол йўналишлари, сув ва тупроқ холати , инсон яшаётган худуд, турмуш тарзи, урф – одатлар, мамлакат қонунлари, давлат тизими шакллари ва бошқалар) инсон танасига таъсир қилиши нуқтаи назаридан турли гурухларга ажратади. Шунингдек, дунёга машхур тиббиёт ҳамшираси Ф. Найтингейл хам касалликларнинг олдини олиш ва соғлиқни сақлашда атроф - мухит таъсирини мухим омил деб хисоблаган.

Атроф мухит – бу инсон хаёт кечирувчи табиий, ижтимоий, руҳий ва маънавий омиллар ва шароитлар мажмуасидир. Қуйдагилар унинг таркибий қисмлари хисобланади:

- Табиий омиллар ўз ичига географик холат, иқлим, хаво, сув сифати ва бошқаларни қамраб олади . Уларга қўшимча равишда техноген мухитни хам хисобга олиш зарур.

- Ижтимоий – бемор шахсига кучли таъсир кўрсатувчи (оила , мактаб, дўстлари, ҳамкаслари ва бошқалар) омиллар.

- Маънавий – инсон хўлқи ва унинг бошқалар билан ўзаро муносабатларини қамраб олади (тил, үдумлар, одатлар, диний қарашлар мўомала ва бошқалар).

Тиббиёт ҳамшираси бемор билан ўзаро муносабатларини бемор ўсиб улғайган, истиқомат қилаётган ва фаолият кўрсатаётган атроф мухитни хисобга олган холда тузади. Яшаш мухити инсон хулқи ва жисмоний холатига демак уларнинг касалликлари ва саломатликларига хам ўз таъсирини кўрсатади .

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперталари 1947 йилда саломатлик тушунчаси деганда инсонда нафақат касаллик ёки ногиронликнинг йўқлиги, балки тўла – тўқис жисмоний, руҳий – ижтимоий баркамолликни назарда тутгандар. Баъзан саломатлик нимадан иборат эканлигини аниқлаш қийин, лекин у доимий харакатдаги жараён эканлигини хисобга олиш лозим. Тиббиёт ҳамшираси ер юзидағи энг инсонпарвар қасблардан бири хисобланади . У – ҳамдардлик , беғаразлик , сабр – тоқат , сезгирилик , диққат эътибор, кўнгилчанлик, меҳр – мурувват каби ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган касб. Булар албатта , чуқур билим ва юқори касбий маҳорат билан мустахкамланиши лозим.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, даволаш жараёнида тиббиёт ҳамшираси мухим ўрин эгаллади . Врач кўрсатмаларини бажариш, оғир ахволдаги беморларни парваришлаш, кўп сонли, баъзан мураккаб муолажаларни амалга ошириш – буларнинг барчаси ўрта тиббиёт ходимларининг бевосита вазифалари хисобланади. Шунингдек , улар беморни тиббий текширувларда , жаррохлик амалиётларига тайёрлашда бевосита иштирок этади хамда кузатиб боради. Буларнинг барчаси тиббиёт ҳамширасидан нафақат касбий, балки маънавий ва ахлоқий сифатларни, бемор ва унинг қариндошлари билан ижобий алоқа ўрната олиш қобилятини талаб этади. Беморларга баъзан турли дори – дармонлардан кўра тиббиёт ҳамширасининг сезгирилиги, маънавий қўллаб – қувватлаши , кўнгил илиқлиги кўпроқ зарур бўлади. Узоқ ўтмишда тиббиёт ҳамшираларини “меҳр мурувват сингиллари” деб номлашгани бежиз эмас . Бу номда улар фаолиятининг нафақат касбий, балки маънавий томонлари хам ифодаланган. Тиббиёт ҳамширасининг вазифаси аниқ шахслар, оиласлар ва инсон гурухларига уларни ўраб турган атроф – мухит шароитида жисмоний ақлий ва ижтимоий саломатликка эришишларида кўмак беришдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Қодирхон Иномов “Ҳамширалик иши асослари” Тошкент – 2007 йил.
2. А. Гадаев , М.Х.Алимова , Х.С. Салиходжаева , Л.Х.Мусажонова “Умумий Амалиёт ҳамширалари учун амалий қўнималар тўплами” Тошкент -2011.
3. Т.Ю. Умарова , И.А. Қайумова , М.Қ. Ибрагимова “Ҳамширалик иши ” Тошкент-2003 йил .
4. К.У. Закирова , D.U. Тоҳтаматова “Ҳамширалик иши асослари” Тошкент – 2010 йил.